

**Сулаймон АМИРОВ
Абдулла АБДУХОЛИҚОВ**

ҚАРНОҚ ТАРИХИ



1967 йил, 3 ноябрь

КИТОБХОН НАЗАРИГА

Қўлингизга олган Қарноқ қишлоғи тарихи Октябрь революциясининг 50 йиллиги байрами олдидан 1967 йил, яъни бундан 45 йиллар аввал совет даврининг гуллаб-яшнаган пайтларида ёзилган. Бинобарин асарда шу давр ютуқларини айтмай ўтишнинг ҳам иложи йўқ эди. Умуман асар Октябрь инқилобини 50-йиллик тўйига тўёна сифатида ёзилган. Шунинг учун айрим иборалар, жумлалар ўша замон талабидан келиб чиққан.

Китоб бадиий асар эмас, балки тарихий далиллар асосида ёзилган. Шунинг учун ҳам ҳеч ерига ўзгартиришлар кириштишни лозим топмадик. Назаримда ҳар қандай ўзгартиш асарнинг тарихийлигига путур етказар эди.

Таҳририят.

СЎЗ БОШИ

Ёши улғайиб бораётган ҳар бир киши изидан келаётган фарзанд ва невараларига, қолаверса, барча юртдошларига биз ва улар яшаётган заминнинг тарихи тўғрисида билган ва эшитганларини ёзиб қолдиради. Мен ҳам шундай орзу билан яшаётган кишилардан бири сифатида элу юртимизнинг тарихи ҳақида чуқур билимга эга бўлмасам ҳам, қўлимга қалам олиб, узоқ ўтмишни ва бошидан турфа кунлар кечирган она қишлоғимиз Қарноқ (Отабой) нинг тарихи тўғрисида билган-эшитганларимни ёзиб, ёш замондошларимга тортиқ қилгим келди.

Ҳар бир иш камчиликсиз бўлмагани каби, менинг бу биринчи тажрибам ҳам нуқсонлардан ҳоли бўлмаса керак, зеро, мен мутахассис тарихчи эмасман. Лекин бу асар келгусидаги изланишлар учун, ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқлари тарихи ҳақида ёзилажак асарлар учун бир материал сифатида хизмат қилиши мумкин, деган умид билан йўл қўйиши эҳтимол бўлган хатолардан ҳам чўчиб ўтирмадим. Вақти келиб, ўз эгаларининг қўлига тегажак бу ғўра материаллар ҳалвога айланса ажаб эмас.

АСАР ҲАҚИДА БИР-ИККИ СЎЗ

Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига қарашли Туркистон шаҳридан автобус йўли билан 25 километр шимолда машҳур Қоратоғ этакларида қадимий Қарноқ қишлоғи ётади. Тарихий маълумотларга қараганда, ҳозирги Туркистон шаҳрининг атрофида кўпгина қишлоқлар, ҳатто йирик шаҳарлар ҳам бўлган. Машҳур Ўтрор, қирқ қопқали Қорачиқ, Ясси, Сифноқ (Сувноқ), Саврон, Сўзоқ ва бошқалар қаторида Қарноқ ҳам тарих китобларида тилга олинади. Аммо мен ўқиган тарих китобларида Қарноққа хос маълумотлар жуда оз бўлди. Эҳтимол араб ва форс тилларида ёзилган тарихларда ва бошқа

хужжатларда Қарноққа оид маълумотлар топилиши мумкин дир, бироқ мен баъзи бир туркий тиллардаги китоблардангина фойдаландим ва у ҳам қисмангина.

Бу рисолада берилажак кўпчилик маълумот аввало қишлоғимиздаги моддий ва маданият ёдгорликлардан олинди. Қарноқда бундай ёдгорликлар талайгина. Булар — бир неча юз, ҳатто минг йиллик дарахтлар, эски қабристонлар, мазорлар устига қўйилган обида тошлар, тепаликлардан тасодифан чиқиб қоладиган зеб-зийнат буюмлари ва уй асбоблари, қадимий ариқлар, жўялар ва ҳоказолар дир. Биз фойдаланган иккинчи манба эса XIX асрда туғилиб, узоқ яшаган, кўпни кўрган, кўпни эшитган ва билган ажойиб чолларимизнинг қимматбаҳо ҳикоялари. Мен халқ ичида онда-сонда учрайдиган бу ажойиб чоллардан фоят миннатдорман. Бу ноёб одамлар куйидагилар бўлиб, улар ҳам ўз навбатида, мазкур ҳикояларни ота-боболаридан эшитишган:

1. Олоқай оқсоқол — қарноқлик, қози хийли авлодидан, 1917 йилда 85 ёшида дунёдан ўтган.

2. Абдурахмон бобо Бутай ўғли — қарноқлик, 1932 йили 96 ёшида вафот этган. Табризий авлодидан.

3. Сўттибой Бектемир ўғли — 1905 йили 92 ёшида вафот этган. Қатағон авлодидан.

4. Ёмонқул Қўноқ ўғли — қарноқлик, туркман авлодидан. 1916 йили 76 ёшида дунёдан ўтган.

5. Раҳмонқул Кўчан ўғли — қарноқлик, туркман авлодидан. 1929 йилда 78 ёшида дунёдан ўтган.

6. Муҳаммад Холиқ Мансур ўғли — қарноқлик, табризий авлодидан. 1965 йили 92 ёшида оламдан ўтган.

7. Уста Бектош — иқонлик. 1940 йилда 75 ёшида дунёдан ўтган.

8. Абдураззоқ Рўзи ўғли — иқонлик. 1947 йилда 73 ёшида дунёдан ўтган.

9. Шодибек ўғли — иқонлик. 1949 йили 103 ёшида дунёдан ўтган.

10. Султон Акбар ўғли – туркистонлик. 1939 йили 71 ёшида дунёдан ўтган.

11. Бобо Чўтай ўғли – чўрноқлик. 1931 йилда вафот этган.

12. Абдухолиқ оқсоқол, Қулназар ва бошқалар.

Учинчи манба – XX асрнинг бошидан бошлаб, то шу вақтгача ўз шахсий кузатишларим, эшитган-билганларим, изланишларим бу асарни ёзишга асосий материаллардан бўлиб хизмат этди.

"ҚАРНОҚ" НОМИ ҲАҚИДА

Халқ оғзида "Қарноқ" атамасини шарҳлайдиган ва бири-биридан мазмунан фарқ қиладиган анчагина фикрлар бор. Масалан, Турсун Иззатуллаевнинг айтишича, Беган деган қарноқлик чолнинг маълумот беришича, "Қарноқ" атамаси аслида "Хабарноқ" бўлиб, сўнгра Қарноққа айланиб кетган эмиш. Айрим кишиларнинг айтишларича, қишлоқда даҳшатли чопқин рўй берган ва шундан сўнг ёлғиз бир гўдаккина тирик қолган эмиш. Ўша гўдакнинг қорни оқ бўлган эмиш. Қишлоқ ўша қорни оқ гўдак шарафига Қарноқ деб аталган эмиш ва ҳоказо. Менинча, бу гаплар ҳақиқатдан узоқ, оддий маъсумона афсоналардир. Ёзма адабиётда эса ҳозирча фақат икки маълумотга дуч келдим, холос. Биринчиси Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғатит турк" китобида "Қарноқ – ўғузлар шаҳридан бири" деган маълумот, иккинчиси "Татарча-арабча луғат"да "Қоринлуқ – атрофи баланд, ўртаси чуқур бўлган ер", деган шарҳдир. Бу таъриф менга маъқулроқ кўрингандай бўлади. Сабаби: баъзи бир тилчи ўқитувчиларнинг тахмин қилишларича, Туркистон шаҳри атрофидаги бир қатор қишлоқларнинг номлари ясама отлар экан. Масалан: "Сўзоқ", "Қарноқ", "Тошоноқ", "Чўбоноқ", "Сувноқ", "Чўрноқ" ким, бу номлар мазкур қишлоқлар жойлашган ерларнинг географик шароитига – рельефига нисбатан берилган бўлиши мумкин. Агар шу нуқтаи назардан қаралса, Қарноқ

қишлоғи атрофи чўзилиб кетган адирлар ўртасида — худди қоринда ётгандек жойлашган. Сўзоқ қишлоғи чўзилиб кетган кенг текислик устида, Тошоноқ эса муттасил тошлоқ устида жойлашган ва ҳоказо. Замонлар ўтиши билан бу атамаларнинг шакли ҳам ўзгариб туради, дейишади тилчилар. Ажабо, ҳалиги луғатда айтилган "қоринлиқ" номи Қарноқ шаклига келгандир.

Дарвоқе, тилчи ўқитувчиларнинг айтишларича, ҳозирги Қарноқ лаҳжаси (амалдаги сўзлашув) қорлуқ ва ўғуз турклари лаҳжаларининг аралашмасидан иборат эмиш. "Ва эҳтимол, — дейди ўқитувчилардан бири, — қарлуқ туркларининг номи ҳам Қорунлиқ-Қарноқ шаҳри ёки қишлоғига нисбатан ай-тилгандир". Менимча, бу фаразнинг тагида қандайдир ҳақиқат зарралари бордек кўринади.

ҚАРНОҚ ТАБИАТИ

Юқорида айтиб ўтганимиздек, узоқ тарихга эга бўлган бу қишлоқ Қоратоғнинг сувли ўзанларидан бири — ирмоқ ўзани-нинг пастки оқимида жойлашиб, атрофи кенг тоғлиқлар, қирлар, адирлар билан ўралган. Фақат жануб томонигина Сирдарёга қараб чўзилиб кетган текисликка туташган. Шарқи-шимолий томонида эса Қарноқнинг ҳаёт манбаи бўлмиш Қоратоғ чўкиб ётади. Ҳавосининг ниҳоятда софлиги, тозалигидан кундуз кунлари тоғ тиниқ зангори нур остида балқиб ётгандай кўринади. Шу мусаффо тоғ ҳавосининг баракали таъсиридан бўлса керак, Қарноқнинг ҳавоси Туркистон шаҳри атрофидаги бошқа қишлоқларга нисбатан ғоятда соф ва ёз фаслларида, айниқса, салқиндир.

Қадим замонлардан бери қишлоқ — тупроғининг ҳосилдорлиги, сувнинг мўл-кўллиги сабабли деҳқончилик ва боғдорчилик учун жуда ҳам қулай жой бўлиб келган. Унинг бошқа ерларга нисбатан серсувлиги катта роль ўйнаган бўлса керак. Илк баҳорда Ирмоқ, Бойилдир каби сахий ўзанларнинг

сувларидан экинлар гуркираб ўсади. Бутун йил давомида бир неча юз литр сувни мутгасил оқизиб турган Қорасув булоғи, Кўлбоши булоғи ва булардан ташқари, қишлоқнинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам мавжуд бўлган ўнларча майда булоқлар — "тумалар" азалдан қишлоққа ажойиб кўрк, ҳусн, ҳамиша баҳор тароватини бағишлаб келади. Шунинг учун ҳам бўлса керак, афсонавий гўзалларга ўхшаган бу табиат қизи узоқ асрлардан бери кимларни ўзига мафтун этмаган? Кимларни суқлантирмаган ва кимларни ўз оёғига бош урдирмаган?..

Баъзи ҳужжатларга қараганда, бундан 1250 йиллар олдин араб фотиҳи Имом Боҳилий қонли ҳужум билан келиб, Қоратоғ гўзалининг оёғида жон берган. Олти юз йиллар олдин машҳур Табриз санъаткори Абдулазиз ўз ватанини тарк этиб, шу сўлим қизнинг ҳуснига маст ўлароқ, шу ерда абадий уйқуга толган. Афғонистонлик қатоғонлардан қайсидир ота, қорахонийлардан қайсидир бобо, хоразмлик шайх Муҳаммад дарвиш (Муқим ота) ва бошқалар шу оромбахш масканни ўзларига қароргоҳ айлаганлар.

Фақат буларгина эмас, ким Бухородан, ким Тошкентдан, ким Кўқондан, ким Намангандан, ким Шаҳрисабздан, ким узоқ Татаристондан, ким Қозоғистоннинг эркин саҳроларидан тополмаган роҳатларини Қарноқ аталмиш табиат эркасининг илиқ ва меҳрибон бағрида толган. Бу гаплар шундайгина айтилган беҳуда гаплар эмас, ўтмишда шу улўғ даргоҳга бош эгиб келган боболарнинг ҳозирги кунда яшаётган юзларча болалари бу ҳақиқатга шоҳиддирлар.

Бу ерда муҳим бир масала бор: Чингизхоннинг фожиали чопқинидан сўнг, машҳур Ўтрор шаҳри ер юзидан йўқ бўлди. Сирдарё бўйидаги аллақанча эски ва янги шаҳарлар, қишлоқлар тарих силсилалари оқибатида йўқ бўлдилар. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит-турк" китобида тилга олинган Қарноқ шаҳри беҳисоб қонли чопқинларда тўкила-тўкила, замонлар ўтгач, яна тўлиб-тўлишиб, ҳамон яшаб ва тараққий этиб келади. Бунинг бойси шоҳу гадони, яхши-

ёмонни оҳанграбо каби ўзига тортиб келган унинг деҳқончилик, чорвачилик, боедорчилик, савдо-сотиқ учун гоят қулай, бой, кўркам ва жувонмард табиатидир.

ҚАДИМИЙ ҚАРНОҚ ҲАҚИДА

Қарноқ қишлоғининг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида бирорта ҳам ёзма ҳужжат тополмадим. Қишлоғимиздаги ўрта мактаб ўқитувчиси Парпихўжа Азизовнинг айтишича, 1915 йиллар атрофида Тошкентнинг Себзор даҳасидан бир мулла одам бир суҳбатда: "Қарноқ жуда ҳам қадимий шаҳар, уч минг йиллик тарихи бор, мен тариххонман", деган экан. Парпихўжа ўша тариххон олимнинг бу маълумотни қайси тарихий китобда ўқиганини аниқлаб олмаганлиги учун ҳа-узга қадар афсусланиб юради.

Эски Қарноқнинг ҳудудлари ҳақида Абдурахмон бобо, Олоқай оқсоқоллар; Шимолда ҳозирги Ирмоқ ўзани оқадиган жойлар атрофи; Чоштепадаги Оқтепа, Елтегирмон, Қоровултепа бағридан Шакарбулоққача, кун чиқиш томондаги Оқтепадан Адирматгача бўлган (тахминан 24 км) ерларнинг ҳаммасида эски қишлоқ белгилари бор; бироқ буларнинг тарихини билмаймиз, деган эдилар.

Дарҳақиқат, қишлоқнинг беш-олти жойида қабристонлар бор. Янги қабрлар қовланган пайтда чуқурликдан ва эски қабрлардан хумлар, турли идишлар чиққан. Фортепа деган тепа ерни қавланганда хумдонда пиширилган махсус сув қувурлари топилган. Бу тепа ўрнида бир замонлар бирор катта бойнинг қароргоҳи бўлганлиги, ўша қувурлар билан қалъа ичига сув киргизилганлиги кўриниб турибди. Қишлоғимиз аҳлларидан Қовунбой Муҳаммад ўғли ўз ҳовлисидан 3 метр чуқурликда Фортепага қараб ётқизилган сув қувурлари чиқди, деб хабар қилган.

1898 йили қарноқлик Тоймат (қози хийли авлоди) деган бир одамнинг Чоштепадаги Оқтепадан сопол идишга солин-

ган яхлит олтин билан олтин буюмлар топиб олганлиги маълум. 1964 йили эса шу қишлоқлик уста Абдужалил Фахриддин ўғли янги уй қураётиб, қулоқлари билан бўйнида турли зийнат буюмлари тақилган хотин кишининг жасадига дуч келган. Яқинда шу ерлик Йўлдон Қоратой ўғли Адирматга яқин жойдаги уч-тўрт метр чуқурликдан хум идиш топилганлиги, унинг ичида кулга айланиб кетган тангалар қолдиғи борлигини кўрганини айтган. Бунга ўхшаган ҳодисалар тез-тез учраб туради.

Абдурахмон бобонинг айтишича, Елтегирмон деган тепаликда ҳақиқатан ҳам бир замонлар Россиядаги ел тегирмонларга ўхшаш шамол кучи билан юргизиладиган тегирмон бўлган эмиш. Ҳозирги кунда ҳам тепага айланиб кетган Адирмат деган жойда уч-тўрт сув тегирмонининг ўрни бор. 1922 йилда шундай эски тегирмон ўрнидан бир тегирмон тоши ковлаб олинганида, мен ҳам ўша ерда бўлганман.

Имом Боҳилий қабристонида Мажратут деган ном олган жуда ҳам кекса тут бор. Йўғонлиги саккиз метрдан ортиқроқ келади. Биологик усулда тутнинг ёши ҳисобланса, минг йилдан ошиб кетади.

1920 йиллар атрофида қишлоқ ичидаги Шўрғом булоғи бўйида доираси тўрт-беш метр келадиган эски тутлар бўлган. Баъзи тарихий ҳужжатларда айтилишича, араб фотиҳи Имом Боҳилий ҳижратнинг 90-йилларида Қарноққа келган эмиш, ерли халқ билан бўлган жангда ҳалок бўлиб, қабри ҳам шу ерда қолган эмиш. Имом Сайфутдин "Васиятнома"сининг 3-4-бетларида Исҳоқбоб ҳижратнинг 10-йилида мана шу томонларга келган, дейилади. Ривоятларга қараганда, Исҳоқбоб томонидан қурилган бир масжид бор. Аввалги вақтларда уни "жума масжид" деб аташган. Айтишларича, Исҳоқ бобонинг қабри ҳозирги Сўзоқ туманига қарашли Чўлоқ-қўрғон қишлоғидан тахминан 40 километр узоқликда, Қумкент шаҳри харобаларидадир. Ривоятларга қараганда, Имом Боҳилий билан биргаликда жанглarda қатнашган Сўфи Аъ-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4497> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4497> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4497>